

## Тазкия дарслари (98-дарс). Бемор кўриш ва жанозада иштирок этиш



13:00 / 15.08.2020 4266

Беморларни кўргани бориш ва жаноза маросимларида иштирок этиш ҳам ўлимни эсга олишда муҳим восита ҳисобланади. Зотан, имом Табароний Аммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Воизликка ўлимнинг ўзи кифоя қилади», деганлар.

Шунингдек, тез-тез қабристонларни зиёрат қилиб туриш ҳам ўлимни эслатади.

هَيَلَع هَلَلَا يَلَصَّيْبَنَّ لَانَع ، هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرَّهَيَبَّأَنَع ، هَدَّيْرُبَّ نَبَّ نَامَّيْلُسُ نَع  
وَمُأْرُبَقَّ هَرَايَزَي فِدْمَحْمَلَن دُأَقَفَرْوُبُقْلَلَا هَرَايَزُونَع مُمْكُتَيَهَن تَنْكُ دَقَّ : لَأَق مَلَسُو  
يَذَمَّرْتَلَلُ طَفَّلَلَاوَّ يَرَاخُ بَلَّالْإِسْمَحْلَاهَاوَر . «هَرَحْأَلْأُرْكَذُتْ أَهْنِإَفْ أَهُرُوزَفْ

Сулаймон ибн Бурайда отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:



Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қанча даҳшатли манзара кўрган бўлсам, қабр ҳаммасидан кўра даҳшатлироқдир», деганлар».

Термизий ривоят қилган.

Ушбу ривоятда бизга Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу қабр зиёратидан ибрат олишнинг олий намунасини ўрнак қилиб кўрсатмоқдалар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган ҳадисларини қандай эслаш керак, уларни қанчалик англаш ва ҳис этиш, улардан қанчалик таъсирланиш ва уларга қанчалик амал қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари гапириб юриш учун, эшитиш учун, ўқиб қўйиш ёки ёзиб қўйиш учунгина эмас, асосан уқиш, англаш, ҳис этиш, амал қилиш учун, қисқаси, яшаш учун улкан восита эканини тушунган инсонгина юқоридаги каби ҳолатни ҳис этиши мумкин.

Ҳазрати Усмон ҳар қачон қабрни кўрсалар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабр тўғрисида эшитганларини эслаб, йиғлайвериб, соқоллари ҳам ҳўл бўлиб кетар экан. Пайғамбаримизнинг куёвлари, жаннатнинг башоратини олган ўн нафар одамдан бири, учинчи халифа шунчалик таъсирланар экан.

Хўш, биз-чи? Биз нима қилмоқдамиз? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайси ҳадисларини эслаб кўзимиздан ёш чиқади? Қай биримиз бирорта ҳадисдан таъсирланиб, кўз ёшимиз ила юзимизни ювишга яраймиз?

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу охиратнинг охирги манзили жаннат ёки дўзахни ўйлаб эмас, балки охиратнинг биринчи манзили бўлган қабрни ўйлаб йиғлар эканлар.

Ҳа, охиратга бориш бир неча манзиллардан иборат. Ўша манзилларнинг биринчиси ва энг аҳамиятлиси қабр экан. Чунки қабрда иши осон кўчган киши бошқа манзилларда ҳам унча қийналмас экан. Агар, Аллоҳ кўрсатмасин, одам қабрда шиддатга учраса, бошқа манзилларда ундан ҳам қаттиқроқ шиддатга учрар экан.

Ҳа, қабр энг қўрқинчли, энг даҳшатли жой. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп шиддатли жойларни, жумладан, дўзахни ҳам кўрганлар. Ул зотнинг хабар беришларича, ҳеч бир жой қабрчалик

қўрқинчли ва даҳшатли эмас экан.

Буни билган, тушуниб етган инсон ҳар қанча йиғласа арзийди. Йиғлаб-йиғлаб, ибрат олиб, қабр қўрқинчи ва даҳшатидан қутулиш учун бу дунёда Аллоҳ таолонинг розилигини топишга, Унинг дини бўлмиш Исломга амал қилишга қаттиқ уринадиган бўлади.

**«Руҳий тарбия» китобидан**